



# ХАВАР

خبر

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган

2000 йил, 8 сентябрь, жума № 36 (419)

Сотувда нархи эркин

## ПОЧТА АЛОҚАСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Мамлакатимизда ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши, иқтисодий ва маданий ҳаётимиздаги узғаришлар, аҳоли турмуш шароитининг яхшиланиб бориши натижасида инфраструктура соҳаларига, жумладан, почта алоқасига булган талаб бекисиб олаётган бўлмоқда. Кейинги йилларда соҳада иқтисодий ислохотлар ўтказиш, унинг ривожланиш суръатларини давр талабларига муносиб олиб бориш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида салмоқли ишлар қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов соҳани янада ривожлантиришга, унинг бошқарув тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Қабул қилинган Фармонлар ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари соҳа ривожига муҳим ҳисса қўшди.

Шу билан бирга почта алоқасини юқори суръатлар билан ривожлантириш учун унинг ҳуқуқий базаси шаклланди, мавжуд меъёрий ҳужжатлар бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги тобора аён бўлиб борди. Шунинг учун почта алоқаси мутахассислари олдинчи билим ва бағдатда «Почта алоқаси туғрисида»ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Бу жараён осонликча кечгани йўқ, албатта.

Кўплаб таклиф, фикр-мулоҳазалар урганиб чиқилди, қизгин мунозаралар олиб борилди. Натижада Олий Мажлис муҳокамасига киритилган қонун лойиҳаси тобора мукамаллашиб бораверди. Мана нихоят эзгу ният амалга ошди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ақинда бўлиб ўтган сессиясида «Почта алоқаси туғрисида»ги Қонун лойиҳасини тасдиқлади.

«Почта алоқаси туғрисида»ги Қонуннинг мақсад ва вазифалари, унда ўрин олган муҳим узғаришларни таҳлил қилишдан олдин почта алоқасининг бугунги кундаги аҳоли, ривожланиш йўналишлари, мавжуд муаммолар ҳақида қисқача тўхталмоқчиман.

Маълумки, 1992 йилгача почта ва электралоқаси ягона ҳужжалик субъекти сифатида фаолият кўрсатиб келган. Дунёнинг ривожланган мамла-

катлари тажрибасига таяниб ҳамда соҳалар ривожланишига қўлай шароит яратиш мақсадида 1992 йилдан бошлаб почта ва электралоқа корхоналари мустақил фаолият кўрсата бошладилар. Шу йили «Ўзбекистон почтаси» концерни ва унинг ҳудудий корхоналари, «Халқаро почта» ва «Ўзбекистон маркаси» каби корхоналар тузилди.

Мамлакатимизда мулк шаклини ўзгартириш, уни давлат тасарруфидан чиқариш буйича олиб борилаётган сивсат почта соҳасига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил, 23 июлдаги Фармони билан «Ўзбекистон почтаси» Давлат акциядорлик компанияси ташкил топди.

Компания таркибига 3041 та алоқа бўлими, 193 та туман ва шаҳар алоқа боғламасига эга булган 14 ҳудудий акционерлик жамияти ҳамда «Халқаро почта», «Ўзбекистон маркаси» акционерлик жамиятлари бириктирилди.

Бугунги кунда жами 7996 та, жумладан қишлоқ жойларда 4979 та етказиб бериш учас-талари, 38 та авиа, 5 та темир йўл ва 384 та автомобил йўналишлари мунтазам фаолият кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон дунёнинг ҳамма мамлакатлари билан почта айирбошлайди. У 1994 йилдан бери Бутундунё Почта Иттифоқининг ҳақиқий аъзоси ҳисобланади.

1999 йилда почта алоқасини истиқболда ривожланишининг асосий йўналишларини аниқ ва равшан белгилаб олиш учун 2000-2010 йилларга мўлжалланган почтанинг ривожланиш концепцияси ишлаб чиқилди. Бундан қўзғалган мақсад соҳа фаолиятини юқори сифат кўрсаткичлари билан ишлаш даражасига кўтариш, янги хизмат турларини жорий этиш, республика почта тармоғини бутундунё почта тармоғига узвий равишда кириб боришини таъминлашдан иборат.

Почта корхоналарини акционерлаштириш жараёнида уларга давлат томонидан бир қанча имтиёзлар берилди. Чунончи, почта корхоналари 1998 йилдан бошлаб икки йил муддатга фойда солигидан озод қилинди. Бу республи-

Тошкент электротехника алоқа институти битирувчиси, лейтенант Бобуржон Ганиев Республикамиз Мустақиллигининг 9 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра, Ватанимиз мустақиллигини ҳимоя қилишда кўрсатган фидойилиги, мардлиги ва жасурлиги учун II даражали «ШОН-ШАРАФ» ордени билан мукофотланган эди.

Шу муносабат билан институт жамоаси кенгаш-митингга тулландилар. Институт ректори, профессор С. Қосимов йиғилганларни энг улуг байрам — Ўзбекистон Мустақиллигининг 9 йиллиги ва янги ўқув йили бошланиши билан самимий қўтлади.

Шундан сўнг институтнинг фахрий профессори ўқитувчиларидан М. Абдураулов ва В. Сморщевскийлар Бобуржонни

ҳар томонлама ақлли, одобли ва тенгдошларига ўрнатилган булганлигини хотирладилар.

Кенгайтирилган йиғилишда иштирок этган Юнусобод туман

бир ҳам бўлиб ўтди.

Ўз фарзандларининг ҳарбий форма кийиб, саф-саф бўлиб шахдам қадам ташлашлари, озод ва мустақил Ўзбекистонимиз байроғини ҳилпиратиб,

## ТАДБИР ЎТКАЗИЛДИ

ҳокими уринбосари В. Латипов шундай фарзанд етиштирган Б. Ганиевнинг ота-онасига ва институт жамоасига миннатдорчилик билдирди.

Институт миқёсида Бобуржон Ганиев номидаги стипендия таъсис этиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Тошкент электротехника алоқа институтида махсус алоқа факультети 3-курс талабаларининг ҳарбий қасамд қабул қилишларига бағишланган тад-

Ватаннинг ҳақиқий ҳимоячилари буламиз дея фахр билан қасамд қилишларини куриш қалбларга қувонч бағишлайди. Ватанимиз сарҳадларида қасамдларига содиқ қолиб, ўз бурчини мардларча адо этган лейтенант Бобуржон Ганиевнинг издошлари булган мард ўғлонлар сафи тобора ортмоқда.

**А. ҲУСАНОВА,**  
ТЭАЙ маънавий-маърифий масалалар бўлими бошлиғи

## ТАНТАНА БЎЛИБ ЎТДИ

Республикамиз алоқачилари Мустақиллигининг 9 йиллигини муносиб кутиб олишди. «Фаргона Телеком» ҲЖДа ҳам бу борада қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, ишлаб чиқариш курсаткичларини бажаришда, алоқа воситаларининг барқарор ишлашини таъминлашда ва янгича иқтисодий муносабатларни жорий этиб, уни ривожлантиришда сезиларли узғаришлар бўляпти. Бу муҳим ишларга салмоқли улуш қўшиб, сидқидидан меҳнат қилганлар рағбатлантирилмоқда.

Улар кўтлуг айём кунлари тақдирлаб борилмоқда.

Мустақиллик байрамига бағишланган тантана бўлиб ўтди. Қўқон филиали телеграфчиси Х. Қодиров, Риштон филиали кабель пайвандловчиси Х. Сангинов, Ёзевон филиали АТС электромеханиги Р. Исоқов, Фаргона шаҳар филиали, шаҳарлараро телефон станцияси етакчи муҳандиси Р. Аҳмедова каби захматқаш мутахассислардан 25 нафарига ҳиссасдорлик жамиятининг «Фахрий Ёрлик»лари топширилди. Шунингдек, 23 нафар пенсионерга 10 минг сўмдан мукофотлар топширилиб, ҳурмат ва эҳтиром билан нафақага кузатилгани шодийнага узгача файз бағишлади.

Тантанада жамиятнинг бош директори Д. Тошматов ҳамда фахрийлар сузга чиқишиб, йиғилганларни байрам билан қўтлашди.

**Ф. УМАРОВА,**  
Фаргона вилояти

## ЮРТИМИНГ БАЙРАМЛАРИ ЯХШИ

Ўзбекистон — Германия дўстлик жамиятида Тошкент шаҳар жамоатчилиги вакиллари иштирокида мустақиллик байрамига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда дўстлик жамияти советининг маънавий ишлар бўйича раиси Ж. Буранов, дўстлик жамияти уринбосари М. Зоҳидов, Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси вақтинчалик ишончли вакили жаноб Андреас Проттманнлар сузга чиқишди. Тантананада фан ва маданият, транспорт ва алоқа, шунингдек бошқа соҳа вакиллари Ўзбекистон — Германия дўстлик муносабатлари, узаро ҳамкорлик ҳусусида фикр алмашдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон — Германия дўстлик жамияти раиси Ф. Абдуллаев иштирок этди.

Тадбир сунгида ўзбек миллий ансамбллари давра иштирокчиларига концерт дастурларини намойиш этишди.

Ўз мухбиримиз

## ВАТАН МУҚАДДАСДИР

Ватаннинг ҳар қаричи муқаддасдир деб беҳиз айтишмаган. Бир гуруҳ ватангадо кимсалар мамлакатимиз чегараларини бўзиб, халқимиз тинчлигига раҳна солмоқчи бўлдилар. Юртимиз тинчлигини, мустақиллигимизни қуролмавган ғаламислар ана шундай қабих ишга қўл урдилар. Бирок билмадиларки уларнинг бу ниятлари ҳеч қачон амалга ошмайди.

Сариосиё ва Узун туманларида булган жангларда ўн икки нафар мард ва жасур ўғлонларимиз нобўд бўлишди. Бу жангчилар юрт ва ватан учун ёш жонларини қурбон қилдилар.

Бир неча кундан бери уйқумда ҳаловат йўқ. Чунки ватанимга бостириб қирган манфур кимсалар менинг уйимга, мустақиллигимизга куз олайтирдилар. Йўқ, улар чучварани хом санашибди. Биз Ватанимизни ҳеч кимга бермаймиз. Бизнинг қўрқмас, юртни ҳимоя қила оладиган полковларимиз бор. Ишонимизки, яқин кунларда довжорак аскарларимиз душманини бутунлай янчиб ташлайди.

**И. ОМОНОВ,**  
Тошкент шаҳри

(Давоми 2-бетда.)



Аллоҳга минг шукрлар бўлсинки, бошимизга истиқлол кўёши тегиб, ҳақ йўлида бор гапни рўй-рост айта оладиган бўлдик.

Бир вақтлар «Кўкдала»да (1950 йилларда) каттагина имкониятга эга бўлган АТС қурилган эди. Бу телефон станцияси ҳозирги кунда номигагина мавжуд. Чунки телефон станциясининг яхши ишламай қўйганига ўн йилча, бутунлай ишламай қўйганига эса икки йил бўлди.

Вилоятимиз маркази Қарши шаҳридан «Кўкдала»гача 60 километрлик масофага янгидан куриш учун тортиб келинган телефон симлари, симёғочлар икки марта ўғирлаб кетилди. Бу ҳақда «Ха-

ба ўғирланганидан хабарлари йўқ дейсизми? Наҳотки ҳозирги кунда ҳам «Кўкдала» қишлоқларидаги телефон симларининг узилиб ётганини, талон-тороҳ қилиб олиб кетилаётганини ҳеч ким билмасми? Бу хусусда «Қашқадарё Телеком» шўъба корхонаси телефон симлари ўғирланганлиги ҳақида Чироқчи туман ички ишлар бўлими бошлиқларига ўтган йили июнь ойида хат билан мурожаат қилганди. Афсуски, ҳеч қандай чора кўрилмади. Қизиги шундаки, неча-неча миллион сўмлик телефон симлари, симёғочлар ўғирлансада, «Қашқадарё Телеком» шўъба корхонаси раҳбариятини бу ҳол ортиқча

кўришадиганини бир тасаввур қилиб кўринг-а...

Давлат ҳисобидан ортиқча харажатлар қилинса нима бўпти дейдиганлар топилар. Бу ерда телефон ишласа ҳам ўн нафардан кўпроқ одам алоқа корхонаси ҳисобидан маош олиб турибди.

«Кўкдала» телефон станциясини таъмирлаш ва қайта куришининг имкониятлари бор эди. Фақатгина бунга бош-қош бўладиган раҳбар керак эди, холос.

Биз истиқомат қиладиган жойининг шундоққина ёнгина-сидан Тошкентга вилоятлараро радио ҳамда телефон алоқаси линиялари ўтган. «Кўкдала» АТСи ана шу линияларга уланса унчалик кўп

● Танқид

## «КЎКДАЛА»ДА ТЕЛЕФОНЛАР ҚАЧОН ИШЛАЙДИ?

бар» газетасида танқидий мақола («Ишонч бор жойда...» 1998 йил, 13 февраль сони) ҳам босилган эди. Аммо муаммо ечимни топилмасдан, ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Телефон симлари ва симёғоч ўғирлари изланмади, жиноятчилар жазоланмасдан қолаверди.

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида турли рангли металллар анча қimmat. Қарши, Чийли бозорларида сотилаётган телефон симлари қайси жойлардан келтириб сотилаётган экан? Миллиция ходимлари ҳам ҳайронимиз. Улар давлат мулкни кўриқлаш учун ташкилот, корхона ва жамоалар билан шарҳномалар тузишади-ку? Миллициянинг махсус кўриқлаш, жиноят қидирув бўлиmlари мавжуд-ку! Участка, туман, вилоят милиция органларининг вилоят марказидан «Кўкдала»гача 60 километрлик асфальт йўллар ёнига янгидан куриш учун келтириб қўйилган катта миқдордаги телефон симлари ва симёғочларнинг бир неча марота-

ташвишлантирмаётган кўринади. Бу ўғирлаб кетилган телефон симлари, симёғочлар туфайли етказилган зарарни давлатга ким тўлайди? Наҳотки давлатнинг катта миқдордаги мулки йўқ бўлиб кетса-ю буни ҳеч ким сўраб-суриштирмасми? «Мен сenga тегмайман, сен менга тегмагин» кайфиятида яшаб, ишлашга ўрганган лоқайдлардан қачон кутуламиз?

Самад Каримовнинг «Қашқадарё Телеком» шўъба корхонаси директори бўлганига салкам уч йил бўлди. Шунча вақтдан бери унинг бу кўнглисиз можаролардан хабари йўқлигига ишонгинг келмайди. Ахир «Кўкдала»даги АТС Термиз – Тошкент катта асфальт йўли ҳамда Китоб – Тошкент, Термиз – Тошкент поезд йўлларининг шундоққина ёнгина-сидан жойлашган-ку!

Саксон минг аҳоли истиқомат қиладиган, қирқдан кўпроқ ташкилот, корхоналар, саккизта жамоа ширкат хўжалиги, бир неча мактаб ва лицейлар телефон алоқасисиз қандай кун

харажат кетмайди. Бу харажатларнинг маълум бир қисmini эса шу ерда жойлашган ташкилотлар, корхоналар ва жамоа ширкат хўжаликлар кўтаришмоқчи. Қолаверса, шу жойда истиқомат қилувчи аҳоли ҳам ёрдам қўлини чўзишга тайёр. Шундай экан, нега энди «Қашқадарё Телеком» шўъба корхонаси ва Чироқчи филиали раҳбарлари бу ишни пайсалга солиб, муаммонинг ечимини топишга ҳаракат қилишмаяпти?

Бепарволикка, хўжасизликка йўл қўйилган жойда иш ана шундай ўлда-жўлда бўлади. Натижада давлат ҳам зарар кўради, одамлар ҳам сарсон-сагардон бўлади.

Эшқобил  
АБДУРАҲИМОНОВ,  
жамоатчи мухбиримиз,  
Қашқадарё вилояти

ТАХРИРИЯТДАН: Муаллиф долзарб ва ечимини кутаётган муҳим муаммони қаламга олган. Тахририят ушбу мақола юзасидан «Қашқадарё Телеком» шўъба корхонасидан расмий жавоб кутади.

## ПОЧТА АЛОҚАСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

(Боши 1-бетда.)

ка миқёсида 370 млн. сўмдан ортиқни ташкил қилди. Бундан ташқари эркин савдога чиқарилган акциялардан тушган маблағнинг бир қисми, давлат улushiга чиққан дивиденднинг 50 фоизи (5 йилдан кейин қайтариш шарти билан) корхоналарда қолдирилиши почта моддий-техника базасини мустаҳкамлашга муҳим ҳисса қўшди.

Бугун почта алоқаси узунининг ҳуқуқий асосига эга бўлиши ютуқлар салмоғининг яна ҳам ортishiга олиб келиши шубҳасиздир. «Почта алоқаси туғрисида»ги Қонунда давр талабларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги янги тушунчалар урин олган: почта алоқаси хизмати провайдерли, универсал почта алоқаси хизматлари, почта алоқасининг миллий оператори. Қонунда почта алоқасида лицензиялаш, сертификация қилиш ҳамда солиқ, нарх-наво, ягона илмий-техника сибасини олиб бориш йўли билан давлат томонидан тартибга солиш, бошқариш курсатиб ўтилган.

Почта алоқасида баъзи хизмат турларини юридик ва жисмоний шахслар томонидан махсус рухсатнома (лицензия) олинган тақдирдагина курсатиш мумкин. Соҳа тармоғига жорий этилаётган ҳар бир техника воситаси албатта сертификация қилиниши, яъни қонунчиликда белгиланган меъёрлар, стандартларга жавоб бериши лозим.

Қонунда почта хизматларининг оммабopлиғи ва юқори сифат даражасини таъминлаш, почта жўнатмалари махфийлигини сақлаш кафолатлари алоҳида урин олган.

Алоҳида бўлим почта тармоғини ривожлантириш ва

қайта куриш, молиялаш, давлат томонидан солиқ ва бошқа имтиёзлар бериш масалаларига бағишланган. Жойлардаги давлат ҳокимият органларига шахрлар ва аҳоли яшайдиган ҳудудларни лойиҳалаштиришда почта иншоотлари учун бино ёки алоҳида хоналар куриши кўзда тутиш топширилган.

Бугунги кунда кўп қаватли биноларга урнатилган почта абонент қутиларининг ночор аҳволда эканлиғи ҳаммага маълум. Қонунда ана шу қутиларни харид қилиш ва урнатиш билан боғлиқ бўлган харажатлар шу уйланини курилиш сметасига киритилиши ва улар урнатилгандан кейин ишга яроқли ҳолатини таъминлаш уйлари эксплуатация қилиш корхоналари зиммасига юкланган.

Табийки, Қонунда Ўзбекистон Республикасида почта орқали юборилиши тақиқланган жўнатмалар руйхати берилган. Шунингдек, почтада операторлар (провайдерлар)нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда масъулиятига алоҳида урин ажратилган. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари, мажбурияти, эътирозлар билдириш ва етказилган зарарни қоплаш тартиби ҳам аниқ ва равшан белгилаб берилган.

Шундай қилиб, давлатимизда почта алоқасини ислоҳ қилишга қаратилган сайҳ харажатлар тахсинга сазовордир. Қабул қилинган қонун эса почта алоқасининг ҳуқуқий базасини яратиб, соҳани замон талабларига жавоб берадиган даражада шаклланиб боришида муҳим урин тутайди.

Абдусаттор ОРТИҚОВ,  
«Ўзбекистон почтаси»  
ДАК бош директори  
ўринбосари

## БАРЧА КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Электралоқа таъминот» ҳиссасдорлик жамияти барча алоқа корхоналари ва ташкилотларига ҳамда бошқа қизиқувчи корхоналарга қуйидаги алоқа маҳсулотларини тақдир қилади:

1. Ҳар хил телефон кабеллари;
2. Алоқа симлари;
3. Ҳар хил турдаги бокслар;
4. Кабель яшиқлари – ЯГК, УПК;
5. Кабель ўтказиш таўқчалари (Россия);
6. Блокли арқонлар (Россия);
7. Монитор индикаторлари (Россия);
8. Ҳар хил турдаги қўлфлар (Россия);
9. Мониторлик когитлари (Россия);
10. Кабель илгичлар;
11. Европада ишлаб чиқарилган, рақамли узатишга асосланган ҳар хил турдаги телефон аппаратлари. Нархи: 8000 сўм;
12. ДЭУ-2340 ва бошқа турдаги телефон аппаратлари;
13. Рақам терих қўрилмасисиз телефон аппаратлари.

ТЕЛЕФОНЛАР: 191-23-19; 191-61-08; 191-60-21;  
136-36-27 (факс).

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Қорақалпоғистон Республикаси давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси Тўрткўл тумани электралоқа боғламаси жамоаси корхона бошлиғи **Айитбой АМИНОВ**ни 50 ёши билан қизгин табриқлайди. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, алоқа соҳасидаги ишларида муваффақиятлар тилайди.

Гулсара МАШАРИПОВА,  
Хоразм вилояти, Гурлан  
тумани электралоқа  
боғламаси ходимлар  
бўлими бошлиғи

## ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚА ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ ҲУДУДИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ

Республикамиз халқини, жумладан барча алоқачиларни Мустақиллик байрамининг тўққиз йиллиги муносабати билан самимий муборакбод этади.

Ушбу фараҳбахш кунларда ҳар бир оилага тинчлик, оилавий хотиржамлик, юртимизга фаровонлик тилайди.

Дилингизда неки орзу-истагингиз бўлса, тез орада рўёбга чиқсин. Уйингиз тўю тантананага, дастурхонингиз қўш-баракага тўлсин!

ШАТҲИЧБ





«Ўзбекистон» телеканали

Телеомобинлар диққатига! Профпаكتка мубоабати билан дубайга, 11 сентябрь «Ўзбекистон» телеканали курсувларидан савт 15.00 дан бошлаб курсувлади...

«Ўзбекистон» телеканали 9.00 «Давр тонги», 10.00 Курсувлар дастури, 10.05 «Янги авлод» студияси...

«Ўзбекистон» телеканали 17.55 Курсувлар тартиби, 18.00 «Пошта», 18.05 «Спорт-тайм», 18.25 «Спортизм»...

СЕШАНБА, 12

«Ўзбекистон» телеканали 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!», 6.00-8.35 «Ахборот»...

«Орт» дастури: 21.45 «Юл, олимпиадачилар», 21.55 «Президент кубоги»...

«Ёшлар» телеканали

8.55 Курсувлар дастури, 9.00 «Давр тонги» дастури, 9.15 «Янги авлод» студияси...

«Тошкент» телеканали

7.30 «Соғлом бўлай десангиз», 7.40 «Пошта», 8.05 «Экспресс» телегазети...

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00 14.50-15.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИНЕСИ, 15.50 Курсувлар тартиби...

ЧОРШАНБА, 13

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!», 6.00-8.35 «Ахборот», 8.40 Марказий газеталар шарҳи...

«Ўзбекистон» телеканали

8.55 Курсувлар дастури, 9.00 «Давр тонги» дастури, 9.15 «Янги авлод» студияси...

«Ёшлар» телеканали

8.55 Курсувлар дастури, 9.00 «Давр тонги» дастури, 9.15 «Янги авлод» студияси...

14.50 «Манзур», 15.10 «Янги авлод» студияси, «Боланинг тили» мухтор конгресси...

«Ўзбекистон» телеканал

РЖТ 6.30-8.00 14.50-15.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИНЕСИ, 15.50 Курсувлар тартиби...

ЖУМА, 15

«Ўзбекистон» телеканали

8.00-8.35 «Ахборот», 8.35 ТВ-маркет, 8.40 Марказий газеталар шарҳи...

ПАИШАНБА, 14

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!», 6.00-8.35 «Ахборот», 8.40 Марказий газеталар шарҳи...

17.55 Курсувлар тартиби, 18.00, 21.00, 23.10, 00.25 «Туркия» телевидинеси...

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00 14.50-15.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИНЕСИ, 15.50 Курсувлар тартиби...

«Ўзбекистон» телеканали

8.00-8.35 «Ахборот», 8.35 ТВ-маркет, 8.40 Марказий газеталар шарҳи...

22.00 «Вести», 22.30 «Дил изхори», 23.10 Киномагистрал «Ошанин»...

ШАНБА, 16

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!», 6.00-8.35 «Ахборот», 8.40 Марказий газеталар шарҳи...

«Ўзбекистон» телеканали

8.00-8.35 «Ахборот», 8.35 ТВ-маркет, 8.40 Марказий газеталар шарҳи...

1.05 «Ахборот» (рус тилида), 1.30 «Тунинг осида бўлин»...

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!», 6.00-8.35 «Ахборот», 8.40 Марказий газеталар шарҳи...

«Ўзбекистон» телеканали

8.00 «Давр тонги», 9.00 Курсувлар дастури, 9.05 «Янги авлод» студияси...

«Ўзбекистон» телеканали

8.55 Курсувлар дастури, 9.00 «Давр тонги» дастури, 9.15 «Янги авлод» студияси...

«Тошкент» телеканали

8.55 Курсувлар дастури, 9.00 «Давр тонги» дастури, 9.15 «Янги авлод» студияси...

«Ўзбекистон» телеканал

РЖТ 6.30-8.00 14.50-15.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИНЕСИ, 15.50 Курсувлар тартиби...

«Ўзбекистон» телеканал

РЖТ 6.30-8.00 14.50-15.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИНЕСИ, 15.50 Курсувлар тартиби...

«Ўзбекистон» телеканал

РЖТ 6.30-8.00 14.50-15.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИНЕСИ, 15.50 Курсувлар тартиби...

«Яқшанба, 17» телеканали 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!», 6.00-8.35 «Ахборот»...

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!», 6.00-8.35 «Ахборот», 8.40 Марказий газеталар шарҳи...

«Ўзбекистон» телеканали

8.00 «Давр тонги», 9.00 Курсувлар дастури, 9.05 «Янги авлод» студияси...

«Ўзбекистон» телеканали

8.55 Курсувлар дастури, 9.00 «Давр тонги» дастури, 9.15 «Янги авлод» студияси...

«Тошкент» телеканали

8.55 Курсувлар дастури, 9.00 «Давр тонги» дастури, 9.15 «Янги авлод» студияси...

«Ўзбекистон» телеканал

РЖТ 6.30-8.00 14.50-15.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИНЕСИ, 15.50 Курсувлар тартиби...

«Ўзбекистон» телеканал

РЖТ 6.30-8.00 14.50-15.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИНЕСИ, 15.50 Курсувлар тартиби...

«Ўзбекистон» телеканал

РЖТ 6.30-8.00 14.50-15.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИНЕСИ, 15.50 Курсувлар тартиби...



Ошпазлик ҳам иходий иш. Ошпазга халал бериш, насиҳат қилиш, маслаҳат бериш мутлақо мумкин эмас. Акс ҳолда таом бузилиши мумкин. Бу менинг бошимдан ўтган, қандай ўтганлигини бошидан бошлайман:

Узимга ўхшаган бечораҳол буйдоқ дўстим бор. Аварияга учраб, икки оёғи чўлоқ бўлиб қолганидан кейин хотини ташлаб кетган. Яхшиямки бахтига бева operasi бор. Уша доим қараб туради. Биз, дўстлар ҳам вақти бемаҳал хабар олиб тураемиз. Бироқ узоқ-узоқ вақт ўтказиб, соғинтириб борамиз. Чунки онаси сал «итлик». Ити кетиб турган бўлса яхши. Фейли айниб, укаси билан адибади айтишиб турган бўлса, бизни ҳам қўшиб ҳақорат қилишдан тоймайди. Гарчанд кейин ўзи кечирим сўраса ҳам барибир синган кўнгил бутун

булиши қийин.

Бир куни одатдагидек ташриф буюрсам, operasi бозордан майда-чуйда харид қилиб, эндигина келиб турган экан. Мени куриб, опа-ука роса хурсанд бўлишди.

## ● Турмуш чорраҳаларида ОШПАЗЛИК

— Мана сизга гушт, — деди operasi салом-алиқдан кейин. — Шурва қилиб туринг. Мен пенсия масаласида собесага бориб келаман.

У сумкасини кўтариб чиқиб кетди. Биз икки дўст бироз чакчақлашиб ўтириб, кейин шурванинг ҳаракатига тушдик. Мен қозонга гуштни солиб, ус-тидан сув қуйиб қўйдим. Меъзон ўтирган ерида шурванинг

масаллиқларини арчиб тўраб берди. Хуллас, шурвани солиб қуйиб, қиттак-қиттак отиб ўтирдик. Дўстим қимирламай ўлтираверди, мен ҳар қадахдан кейин ошхонага кириб шурвани шопириб келаман. Ниҳоят,

шиша ҳам бушади, шурва ҳам узимиздай пишиб етилди. Гуштини алоҳида, шурвасини алоҳида сузиб келтирдим. Гуштини-ку еса булар экан. Ма-залик, майин гушт. Аммо шурвасини оғизга олиб бўлмайди. Заҳарлиқда чаённинг узи. Мен дўстимга қарадим, у кулди:

— Ҳали сенга билдирмай масаллиққа икита аччиқ қалам-

пир қўшиб юборган эдим, — деди у муҳим бир ишни қойиллатиб бажаргандай.

— Думини олиб ташлаган-мидинг?

— Йўқ, ўзи очилиб кетиб-ди-да, — деди яна маъноли жилмайиб.

— Ахир овқат қилганимда аралашмагин деб неча марта айтдим сенга! Яна ўз билганингни қилибсан-да. Энди опангга нима деймиз?!

— Кўявер, узим жавоб берман, — деди дўстим ва шурвани хуриллатиб ича бошлади.

Мен ҳам шурвадан озроқ ичдим. Ичганда ҳам шоша-пиша ичдиму бир зумда роса терладим. Кейин ўрнимдан тура солиб қочдим. Чунки шу топда operasi келса борми, бундан баттар терлашим турган гап эди.

Азиз АБДУРАЗЗОК

## ВАТАНГА МУҲАББАТ ҲАҚИДА

Ватан таркини бир нафас айлама,  
Яна ранжи гурбак ҳавас айлама.

А. НАВОИЙ

Саҳоватнинг энг буюк жасурликлари ватанга муҳаббат туфайли юзага келган.

Ж. РУССО

Бизни она янглиғ оқ ювиб, оқ тараган ватанни севмоқ муқаддас бурчдир.

М. ШОЛОХОВ

Кимки умумий фалокат дақиқаларида ватан халоскорлигидан бошқа бирон-бир ҳавлга борса, у озод давлатда яшашга ҳақли эмас.

Ф. КЛИНГЕР

Ватанпарварлик сўз билан эмас, иш билан исбот қилинади.

В. БЕЛИНСКИЙ

Ватанга нафи йўқ яшалган ҳар кун,  
Инсон ҳаётида қолур бемазмун.

М. САЛМОН

Энг ёқимли ва долзарб ишлар ҳам ватанга хавф солувчи хатар олдида нарига суриб қўйилади.

Л. ЛЕОНОВ

### ● Бу — қизиқ!

#### МАКИНТОШ ПЛАШЛАРИ

Сиз ёмғир ўтказмайдиган плашларни биласиз. Бир пайтлар бизда ҳам расм бўлганди. Лекин плашбон материал ким томонидан ихтиро қилинганини биласизми?

Америкалик тадқиқотчи Ч. Мак-Интош 1882 йили табиий каучук устида тажриба олиб бораётганда кийиб олган камзулининг бир чети тасодифан каучуқли эритмага тегиб турганини пайқаб қолди. Кейин уни тозалаш пайтида олим худди уша жой сув ўтказмайдиган бўлиб қолганини сездди.

Орадан бир йил ўтгач, у газ-мол материалларнинг икки бўлагини каучук ёрдамида бириктириш усулини топади. Кейин бу ихтиро натижасида ёмғирда кийиладиган плашлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди ва уни оммалаштирди.

Шунинг учун бу плашлар ҳақ орасида гоҳида «Мак-интош плашлари» деб ҳам аталади. Бу унинг ихтирочиси Мак-Интош номига қиёсан қўлланади.

А. АЛИЕВ тайёрлади

### ● Билиб қўйган яхши

#### ЧЕКИШ ЗАРАРИ ҲАҚИДА ТАДҚИҚОТ

Чекишнинг зарари хусусида

кўп гапирилган. Баъзи бировлар бунини инкор қилмоқчи ҳам бўлишади. Масала моҳиятига оидинлик киритиш учун И. Хаммонд деган тадқиқотчи мисли қўрилмаган тажрибага қўл урди.

Компьютер ёрдамида у ярим миллион эркакни уч йил кузатди. Тажриба ишончли бўлиши учун кузатилаётганлар ёши, буйи, вазни, насл-насаби, ижтимоий ва оилавий аҳоли, касби, саломатлиги, асаб тизими тури, спиртли ичимликларга, дори-дармон ва спортга муносабати бўйича жуфтликларга ажратилди.

Уч йил давомида чекмайдиганлардан 662 ва чекадиганлардан 1385 киши вафот этди. Инфаркт миокарди (юрак қон томирларидан бирининг ёрилиши) бўйича бу кўрсаткич 304 ва 654 ни инсулт (мияга қон қўйилиши) бўйича эса 44 ва 84 ни ташкил этди. Айниқса, ўпка раки бўйича бу рақам чекадиганлар учун ҳалоқатли эди — 110, ҳолбуки чекмайдиганлар ўртасида бу хасталик билан вафот этганлар 12 киши эди, яъни чекадиганларга нисбатан деярли ўн ҳисса кам.

Хуллас, қайси хасталик олиб қаралмасин, чекадиганлар кўчликини ташкил этди. Чекиш зарарлими-йўқми, шундан узингиз хулоса чиқариб олаверинг!

«Қаҳшқадар» почтаси» ҳиссадорлик жамияти жамоаси ҳисоб бўлимининг обуна бўйича ҳисобчиси Дилдора Халиловага онаси **ХАНИФА АЙНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

**МУАССИС:**  
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

**Бош муҳаррир:**  
Шодмон ОТАБЕК

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**  
Шомансур ОБИДУҲҲАЕВ  
Шухрат ЖАББОР  
Анатолий КУДИНОВ  
Иzzат АҲМЕДОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ  
(Масъул котиб)  
Мирпўлат МИРЗО  
Рустам ҚОСИМОВ  
Куролбой ТҮЛЕБОВЕВ  
Ёқубжон ХУҲАМБЕРДИ

**ЖАМОАТЧИЛИК  
КЕНГАШИ:**

Саидмахмуд АКБАРОВ  
Шохрух АКБАРОВ  
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ  
Меҳмонкул ИСЛОМКУЛОВ  
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ  
Бобохон ШАРИФ

**МАНЗИЛИМИЗ:** 700000  
Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.



**ТЕЛЕФОНИМИЗ:**  
136-36-42, 136-35-29,  
144-29-09.  
**Факс:** 136-36-42.  
**ИНДЕКС:** 64600  
**ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш № 00011.


**Буюртма № Г-742.**  
5757 нусхада чоп этилди.

**Офсет усулида босилди.**  
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табок.

**ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
«ШАРҚ» НАШРИЁТ-  
МАТБАА КОНЦЕРНИ  
БОСМАХОНАСИ.**  
Корхона манзили:  
Буюк Турон кўчаси,  
41-уй.

Босишга топширилди — 19.00  
Босишга топшириш вақти — 18.00

1 2 3 4 5 6



Мозийдан садо.

### ● Ажаб дунё!

## ДАҲОЛАРНИНГ ДАҲОСИ

Америкалик олим Майкл Харт китоб ёзиб, одамларни ҳайратга солди. У ўз китобига руйи заминдаги юз нафар буюк даҳони жамлаб, уларнинг тарихга, жамиятга таъсири доирасида фикр юритган. Муаллиф фақат доно, иқтидорли, соҳоватли одамлар ҳақидагина эмас, айти пайтда золим кишилар ҳақида ҳам мулоҳаза юритган. Тадқиқотчининг маълумотларидан аён бўлишича, Оллоҳнинг расули — Муҳаммад алайҳиссалом биринчи уринни эгаллаб, даҳолар сарвари бўлибдилар. Пайгамбаримиз фақат ташкилотчигина бўлиб қолмай, айти пайтда мусулмон динига асос солганликлари кўпроқ аҳамият касб этган. Шу боисдан бу киши миллионлаб кишилар эътиқод қўйган Христи учинчи уринга суриб қўйдилар. Чунки, христианлики ташкил этишни Павел давом эттирган бўлиб, у айти пайтда олтинчи уринни олди. Тўпланган маълумотлар Будда-

нинг тўртинчи, Конфуцийнинг бешинчи булганлигидан далолат бермоқда. Энг қизиғи, шундаки, қандайдир сабабларга кўра буюк физик Ньютонга иккинчи урин насиб этибди. Гутенберг, Эйнштейн, Пастер, Галилей, Дарвин каби олимлар кучли йигирмаликка кирдилар. Адабиёт ва санъат номяндаларидан Шекспир, Гомер, Микеланжело, Пикассо, Бетховен ва Бахлар 36, 94, 49, 96, 42 ва 74-уринларни эгаллашди. Муаллиф ўз тадқиқоти давомида андак бирёқламликка йўл қўйгандек кўринади. Боиси, унинг ёзишича, Африкадан уч, Лотин Америкасидан бир нафар, Боливия ва Осийдан ўн саккиз, АҚШдан етти нафар даҳо чиқиб, қолган етмиш бир нафари Европада юзага келганмиш. Агар олим Урта Осиё, Хитой ва Ҳиндистонда шакланган даҳолар ҳақида ҳам фикр юритганда, унинг китоби янада мукамал бўлармиди?!